



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2012 йил  
18 февраль  
ШАНБА  
№ 14  
(12.442)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



## БЎСТОНЛИК ТУМАНИ

### МУСИҚА ВА САҢЪАТ БАЙРАМИ

Тумандаги болалар муסיқа ва саънат мактабида муסיқа байрами ўтказилди. Республика Президентининг "Болалар муסיқа ва саънат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури" бўйича амалга оширилган ишлар, ёшларга кўрсатилаётган гамхўрликлар тўғрисида сўз борди.

Табиати гўзал гўшада ҳар бир инсон санъатга ўзгача меҳр қўйиб улгайишини, уни кадрлашини мамнуният билан тилга олдирди. Ҳақиқий санъатсеварлар байрамига айланган гала-концертда Ватан мадҳи танранум этилди. Жажжи санъаткорлар фортепьянода ижро этган классик муסיқа, миллий рақс йиғилганларда чукур таассурот қолдирди. Суннат МУСАМЕДОВ.

## ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ВА ФАРОВОНЛИК

Тумандаги "Кўп тармоқли поликлиниканинг ўқув залида "Оилавий бизнес – фаровонлик гарови" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, туман ҳокимлиги вакиллари, тегишли идоралар ходимлари иштирок этди. Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгашининг "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ўтказилган суҳбатда асосий эътибор оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилди. Мақсуда НОРКУЛОВА.

## ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР БИРИНЧИ

Ўй-жой қурилиши ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежида баскетбол бўйича спорт устаси Олтин Баҳодиров хотирасига бағишланган баскетбол турнири ўтказилди.

Мусобақада 15 та жамоа иштирок этди. 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган йигит-қизлар беллашувида биринчи ўрин янгийўллик спортчиларга насиб этди. Мезбонлар эса иккинчи ўринни қўлга киритишди. Фойли ва совриндорларга ҳомийларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Ирода МАКСУД қизи.

## ҚИБРАЙ ТУМАНИ

### «ОРАСТА ҚИЗ – ОИЛА КЎРКИ»

Мустаҳкам оила йилида хотин-қизлар кўмиталари ва маҳалла фаоллари зиммасидаги масъулият янада кучайди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан 6-умумтаълим мактабида "Ораста қизлар" тўғрисида фаолиятини жонлантириш мақсадида уюштирилган семинарда туман хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари раислари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси фаоллари, "Қамолот" ЁИҲ аъзолари иштирок этди. Улар мактабнинг "Ораста қизлар" тўғрисида фаолияти ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди ва кенгаши раисларини таъсирли раисларини раислари, Саида РАҲМОНОВА.

## БЎКА ТУМАНИ

### «МЕҲРИБОНЛИК ҲАҚИДА» ТАШРИФИ

Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси туман кенгаши Мустаҳкам оила йили муносабати билан Бўка шаҳридаги 15-меҳрибонлик уйида хайрия тадбири ўтказди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг бадий ичкишларидан сўнг тадбир иштирокчиларига туман Маданият уйи бадий жамоаси иштирокида концерт намойиш этилди. Меҳрибонлик уйига туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди. Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

## ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### ЭНДИ «ГАЗЕЛ»ДА ҚАТНАШАПТИ

Ўртасарой қишлоғини Тўйтепа шаҳри билан боғловчи йўл атрофидаги маҳаллалар аҳли яна бир қулайликдан баҳраманд бўлишди. Бу йўналиш бўйича "Korbonbek biznes" масъулияти чекланган жамияти "Газель" русумли автоуловлар қатновини йўлга қўйди.

Туман маркази – Тўйтепа шаҳрига таксиларда қатнаб қийналардик. Янги йўналиш очилиши биз учун айна муддао бўлди. Йўл ҳақи ҳам икки баробар арзон, – дейди Ўрта Чирчиқ педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси Ислам Саримсоқов. Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

## КИЧИК БИЗНЕС



## КРЕДИТГА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

"Тошкент денгизи"нинг сўлим ва хушҳаво қирғоқларида қад ростлаган бу корхона илк маҳсулотини мижозларга тавсия этганига эндиликта икки йил бўлди. Массулия-ти чекланган жамият мақомида ташкил топган жамоани ҳозир ҳеч ким янги демейди. У аллақачон кўпчиликка танилиб улгурди.

Корхона тез оёққа туриб, жадал ривожланиб бораётганининг асосий сабаби шуки, бу ерда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кенг қулоч ёйган турли-туман қурилиш объектлари учун сув билан ҳаводек зарур лак-бўёқ ишлаб чиқарилади. Бугунга келиб маҳсулот тури саккизгача етди. Улар биноларнинг ҳам ичи, ҳам сиртини пардозлашга мўлжалланган. Шу билан бирга лак-бўёқларнинг сифати мижозларга манзур бўлаётган. Буюртмачиларнинг сафи кенгайиб, кети узилмаётганининг сабаби шунда. Бу корхонанинг лак-

бўёқлари кейинги йилларда қишлоқ аҳолиси, жумладан, ёш оилаларга тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига намунавий лойиҳалар асосида қуриб берилаётган, шаҳардан қилинмайдиган барча қулайликларга эга замонавий ўй-жойларга ўзгача қирғоқ бахш этаётгани ҳам "Денгиз лак-бўёқ" корхонасининг истиқболли порлоқ эканидан далолат беради. – Имконияту имтиёзлар етарли, – дейди корхона раҳбари Абдумалик Ниёзов. – Биздан талаб қилинадигани – дадиллик, интилиш,

изланиш. Ҳозир 9 киши ишлаётган бўлса, ҳадемай 15 киши муним иш билан таъминланади. Республика Миллий банкнинг Тўйтепа филиалидан 500 миллион имтиёзли кредит учун сертификат олдик. Энди Хитой савдо уйи билан шартнома тузиб, янги технологияларни келтириб ўрнатиш ҳаракатидамыз. СУРАТА: Абдумалик Ниёзов (ўнганда иккинчи) ишчилар билан тайёр маҳсулот сифатини текширмоқда. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

## СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

# ЎЗБЕКИСТОН – ЮКСАК ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА ЁШЛАР МАМЛАКАТИ



Юрас БАНИС, Вильнюс университетининг проректори (Литва):

Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим тизими жорий этилгани улкан муваффақиятдир. Мамлакатингиздаги таълим даргоҳлари фаолияти билан танишар эканман, барча ўқув муассасаларида ёшларнинг жаҳон стандартлари асосида чуқур ва пухта билим олиши, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун барча қулай шaroитлар яратилганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш учун соҳага жуда катта сармоя жалб этилаётгани хорижда ҳам маълум. Бундай эзгу ишлар ўз самараларини бериб, Ўзбекистонда гоят иқтидорли ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар шаклланишида муҳим омили бўлаётган.

Ролан БЛУМ, Франция Республикаси Миллий ассамблеясида "Франция-Ўзбекистон" парламентларо дўстлик гуруҳи раиси:

Ўзбекистондаги мустаҳкам моддий-техник база, янги технология ва ускуналар билан жиҳозланган замонавий ўқув лабораториялари, бой ахборот-ресурс марказлари билан таъминланган юзлаб коллеж ва ли-

цейлар, олий ўқув юртлари, мухташам спорт иншоотлари ёш авлод камолоти йўлида хизмат қилаётган. Бу каби хайрли ишлар бераётган юксак самараларни биз Тошкент молия институтини, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда бир қатор касб-хунар коллежлари мисолида кўрдик. Мустақилликка эришганидан буён атиги йигирма йил ўтган бўлса-да, ўтган вақт мобайнида қўлаб соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасида Ўзбекистон жуда улкан муваффақиятларга эришди. Айниқса, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал тараққий этаётганини алоҳида қайд этишни истардим.

Харри ПАПАПАНАГОС, Македония университетининг проректори, профессор (Греция):

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш бўйича умумий ўрта таълимдан то ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимгача бўлган бугунларда чуқур билим ва пухта касб-хунар тайёргарлигига эга ёш авлоднинг тарбиялаш жараёни ўз ичига олган яхлит у-

хиятга эга ёшлар мамлакатини, фан ва таълим соҳаси энг ривожланган давлатдир.

Иван ЖАРСКИЙ, Беларусь давлат технология университети ректори (Беларусь):

Олий ўқув юртлари ёшларга замон талабларига мос чуқур билим бериш билан бирга уларни мустақил фикрлаш, ҳар қандай ишга ижодий ёндашиш, энг мураккаб илмий ва ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга янгица ёндашувларни излаш ва топишга ўргатади. Мамлакатингизда ишчилар татбиқ этилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга пухта билим бериш баробарида иқтисодиётнинг етакчи баҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилгани, таълим соҳасидаги ислохотлар узлуқсизлиги, босқичма-босқичлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Университетимиз Тошкент кимё-технология институтини билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ўзбекистонда таълим ривожига нафақат ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етказувчи асосий йўналиш, балки мамлакатнинг истиқболдаги салоҳияти, куч-қудрати, иқтисодий равангини белгиловчи устувор омил сифатида ҳам катта эътибор қаратилаётгани таълимга лойик.

Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Пойтахтининг замонавий ва миллий услуби ўзда муассасамизга кўркам иншоотлари, маҳобатли меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари мени ўзгача мафтун этди. Айни пайтда шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари эътиборни тортади. Тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечираётган халқингизга чин дилдан ҳавасим келди. Сеок Ван КИМ, "Daegu Naanyu" университетининг профессори (Жанубий Корея):

Ўзбекистонда барча соҳаларда, айниқса, таълим йўналишида самарали ишлар амалга оширилаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Ўзбекистонда турли йўналишларга ихтисослашган қўлаб олий ўқув юртлари фаолият юритаётган. Бу, албатта, ёшларга ўзи севган соҳа сирларини мукамал эгаллашда жуда қўл келади. Қадимий Тошкент ўз таровати билан мени жуда ҳаяжонга солди. Тошкентга келганимдан буён бир неча кун ўтган бўлса-да, шаҳрингизни томоша қилиб, тинч ва осойишта, файзли қўчаларини сайр этиб тўймаганман. Қўлаб мамлакатларга борганман. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳали ҳеч бир мамлакат мени ўзбекистондек ўзига мафтун этмаган. ЎЗА мухбирлари Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

## Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

### О. Нурматовни Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ ҚАРОР ҚИЛАМАН: Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига Нурматов Олимжон Раҳимжонович 2012 йил 16 февралдан тайинлансин. Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ. Тошкент шаҳри, 2012 йил 16 февраль.

## Олимжон Раҳимжонович НУРМАТОВ



Зангиота тумани ҳокими лавозимига ишлаб келатган Олимжон Раҳимжонович Нурматов Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари этиб тайинланди. Олимжон Нурматов 1967 йил Октябр охирида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тугатган. Меҳнат фаолиятини Зангиота туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги давлат хўжалиги бригадирликдан бошлаб, 1991-2008 йилларда турли хўжалик ва бошқарув ишларида меҳнат қилди. 2008-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сабзавот-

МАШГУЛОТ



ТАДБИРКОРЛИК – МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

Юкори Чирчиқ туманида вилоят ва туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан бўлиб ўтган амалий семинар шундай номланди. Бу бежиз эмас. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш...

да маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш мақсади ҳар бир савий-ҳаракатимизда акс эттирилади. Зеро, жисмонан соғлом, маънаван етук ва баркамол фарзандлар ҳар томонлама мустаҳкам ва фаровон оилادا тарбия топади, вояга етади.

Шунингдек, кредит олувчилар учун энг муҳим кулайлик – гаровга қўйилмаган мулк турлари кўпайтирилди. Энди нафақат нотураржой ва транспорт воситалари, балки кимматбаҳо тақинчок, буюм, сўғурта полюси ва кафолат хати асосида ҳам кредит олишлари мумкинлиги тушунтирилди.

Фаровонликка эришиш учун эса бетиним изланиш, интилиш зарур. Бу каби савий-ҳаракатлар учун барча имкониятлар етарли. Тадбиркорлар, хусусан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, қўлай шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилган ҳукумат қарорлари, Президентимиз фармонлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган

амалий семинарда тегишли идоралар вакиллари, хусусан, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ходимларининг маърузалари тингланди. Хусусий тадбиркорлигини давом эттириш ёки янгида бошлаш истагинидаги аёлларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берган банк ходимлари кредит олиш ва уни вақти-

да қайтаришга оид қонун-қоидаларга ҳам қатъий амал қилиниши зарурлигини таъкидлашди. Эътиборлиси "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар дастури" асосида "Микрокредитбанк" Юкори Чирчиқ тумани тадбиркорларига йил давомида 728 миллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилади.

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

ЁШЛАР – БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Истиклол шарофати туфайли мамлакатимизда таълимга эътибор кунайди, унинг узлуksизлигини таъминлаш муҳим устувор вазифага айланган. Табиийки, 9-синфни тамомлаган ёшлар орасида касб-хунар коллежларига қатнамоётганлар ҳам учраб туради. Депутат сифатида бунинг сабабларини ўрганишимизга тўғри келди.

Пискент туманидаги "Бекобод" маҳалласида яшовчи бир ўқувчи ҳеч қандай сабабсиз коллежга қатнамаётган экан. Шу оиллага бориб, шарт-шароитни чуқурроқ ўрганди ва имкон қадар кўмак бериб, ўқишини тиклади. Натихада у коллежини муваффақиятли тамомлади. Ўтган йили туман мактабларини "аъло" баҳоладар билан битирган ўқувчиларнинг туман ҳокими билан уршувини ташкил этдик. Ушбу тадбирда маҳалла фаоллари, ота-оналар, "Камолот" эи ёшлар фаол иштирок эттишди. Бу эса мактаб – оила – маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашда ўрин эгаллайди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссия аъзоси сифатида Бўстонлик тумани ва Чирчиқ шаҳрида ўқувчиларнинг ёғи дам олиш масалаларини чуқур ўрганиб ҳамда уларга тавсиялар бериб, амалий ёрдам кўрсатдик.

Вилоят кенгашининг XVIII сессияси қарорига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганишга жалб этилган депутатлар сафида Паркент туманида бўлиб, маҳаллардаги аҳвол билан танишидик. Хусусан, Ҳўжа ва "Учоқ" маҳаллаларидаги кам таъминланган оилаларнинг шарт-шароитлари ўрганилди. Бекор юрган ёшларни иш билан таъмин-

ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИ

Фуқаролик жамияти ривожига сиёсий партиялар фаолиятининг мазмун-моҳиятига янги талаблар қўймоқда. "Тошкент ҳақиқати" газетаси мухбирининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов билан партия ташкилотлари шу асосда ўз фаолиятини қандай такомиллаштириб бораётгани хусусидаги суҳбатини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

– Кейинги йилларда мамлакатимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларида, ислохотларни янги босқичга кўтариш учун шарт-шароитлар яратишда Халқ демократик партияси вилоят ташкилотлари фаолияти қандай намоён бўлмоқда? – Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган асосий мақсад Ўзбекистоннинг қонун устуворлиги ва очик фуқаролик жамияти асосларига таянувчи ривожланган демократик мамлакатлар сафига киришини таъминлашдан иборат. Устувор сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга таъсир кўрсатишнинг демократик тамойилларидан самарали фойдаланиш учун биз электротартибга аввало, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларини пухта билишимиз, партияимиз шу манфаатларга жавоб беришчи вазифаларни ҳал қилиш учун янги йўлларни тақдир қилиш, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларидаги партия гуруҳлари учун амалий ҳал қилишга қодирлигини исботлаб беришимиз лозим.

– Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашда партиянинг устувор вазифаси қандай? Уни амалга ошириш тажрибалари ҳақида гапириб берсангиз. – Партияимизнинг вилоят, шаҳар ва туман ташкилотлари бу тижорат банклари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш идоралари иштирокида иқтисодий форум ўтказмоқда. Унинг дастлабки босқичида партия электротартибнинг 16 фаол вакили ўз хусусий ишини бошлаш учун тижорат банкларида умумий ҳисобда 174 миллион сўмдан ортик микрокредит учун сертификат олиди. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини бирламчи қайта ишлаш учун кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш, машиини хизматлар кўрсатишини кўзда тутувчи лойиҳалар микрокредитлаш учун истиқболли деб топилди. Шу йўл билан олинган микрокредит Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида партия электротартибнинг 120 дан ортик вакилини оилавий ва хусусий бизнесга жалб этиш имконини берди.

Бўстонлик туманидаги "Мавжуда Плюс – Ривож" масъулияти чекланган жамият раҳбари Миршохид Мир-мачилик махсулотлари ишлаб чиқариш учун олган 24 миллион сўм кредитини самарали ўзлаштирди. Бу тажрибани Олмалиқ шаҳри, Бекобод, Паркент ва Янгийўл туман партия ташкилотлари ҳам омалаштирди. Сақизи тадбиркор 168 миллион сўм микрокредит олиш ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳақида. – Партиянинг касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишдаги иштироки хусусида нима дея оласиз? – Ўқув йили тугагини кутмай, партияимизнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари битирув курслари ўқувчилари билан тузилган уч томонлама шартномалар қандай баҳарлигини ўрганиб, аниқлаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритмоқда. Дастлабки натижаларга қараганда, коллежларнинг ўтган йилги 30 мингдан ортик битирувчиларидан 26 минг 758 нафари ишга жойлаштирилди, 3479

ОҲАНГАРОНДА САҲОВАТ ТАДБИРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг "Адолат" социал демократик партиясидан сайланган депутатлар гуруҳи ташаббуси билан Оҳангарон шаҳридаги "Мурувват" интернат-уйида саҳоват тадбири ташкил этилди.

Мазкур интернатда нафақат Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан, балки республикамизнинг турли ҳудудларидан васийликка олинган 300 дан зиёд 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари истиқомат қилади. Депутатлар энг аввало Собиржон Жумакулов раҳбарлик қилаётган "Мурувват" уйида ногиронларга яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг овқатла-

нишни тўғри ташкил этиш, дам олиш ва даволанишлари қандай йўлга қўйилаётгани билан қизиқдилар. Ногиронларга хизмат кўрсатувчи шифокор-мутахассислар, тиббий ходимлар иштирокида давра суҳбати ўтказилиб, тақлифлари ўрганилди. Депутатлар гуруҳи раҳбари Зарифа Эралиева гуруҳ фаолиятида муҳим масалалар қатори ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш алоҳида ўрин тутаётгани, бу борада бир қатор амалий ишлар қилинаётгани тўғрисида гапириб берди. Вилоят Кенгаши депутатлари Ғайрат Мухаммедов, Анвар Азимов, Гулнора Муяссарова иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Уларнинг 1 миллион сўмликдан ортик миқдордаги идиштовок, кўрпа-ёстиқ жиддлари ва бошқа совғалари тақдим этилди.

– "Мурувват" интернат-уйи ҳудудини айланиб чиқиб, кўнглимизда бир ниёт пайдо бўлди, – деди Ғайрат Мухаммедов. – Бу ерда боғ яратса бўладиган очик жойлар бор экан. Эрта кўламда депутатлар гуруҳимиз номидан "Мурувват" уйи учун мўъжагина боғ яратсак, деган қарорга келдик. Депутатлар гуруҳининг бу ташаббуси нафақат жамоа, балки Оҳангарон тумани ҳокимлиги томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Сўзга чиққанлар бу каби тадбирларни кенг миқёсда ташкил қилиш, уларга жамоатчиликни, туман кенгаши депутатларини жалб этиш хусусида мулоҳазалар билдиришди. Отабек ҲИҚМАТОВ.

ОГОҲЛИК – ЗАМОН ТАЛАБИ

ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ САМАРАСИ

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ўғил-қизларнинг билим олиши ва касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шароитни яратиш Президентимиз Ислам Каримов томонидан юритилаётган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.

Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, келажақ авлодини зарарли иллатларга қарши курашиш, умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳаллалар, таълим ва тиббий муассасалари ҳамкорлигида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда. Самимий ва очик мулоқот руҳида ўтказилаёт-

ларини шакллантириш, ўғил-қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига кўмаклашиш, уларни турли иллатлардан асраш бугунги кундаги долзарб вазифалардан эканини алоҳида таъкидланди. Мутахассислар томонидан ОИТС, гиёҳвандлик каби иллатларнинг инсон ҳаётига зарарли таъсири, бунинг оқибатида келиб чиқадиган турли ижтимоий ва бошқа муаммолар ҳақида талабаларга атрофлича тушунча берилди.

Тадбирда талаба-ёшларнинг мавзуга оид расмлар кўргазмаси ва "Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

АВЛОД СОҒЛОМ – КЕЛАЖАҚ БАРДАВОМ

Мустаҳкам оила йили муносибати билан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими Ўрта Чирчиқ тумани Ўзбекистон ва Янгийўл тумани Гўлбаҳор қишлоқларида яшовчи кам таъминланган оилаларга берилган доридорлар ва санитария-гигиена воситаларини тарқатди.

Шунингдек, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида Янгийўл туман технология-иктисодий касб-хунар коллежи ўқувчилари иштирокида "Қизлар гигиенаси" ҳамда "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" шиори остида суҳбат ташкил этилди. Тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ва туман кўптармоқли марказий поликлиникаси мутахассислари ўтказган кўрик давомида ўқувчиларда аниқланган касалликларга ташхис қўйилиб, йўл-йўриқ ва тавсиялар берилди. Ҳафта давомида 704 аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, кам таъминланганларга хайрия ёрдами тарқатилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ИККИ ЙИЛДА ЛИЗИНГГА ИККИ ТЕХНИКА

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Хусниддин-ф" фермер хўжалиги кейинги икки йилда икки техника сотиб олди. Бунда лизинг усули қўл келди.

2010 йилда "Ўзамализинг" шўъба корхонасидан 100 миллион сўмга "KLASS AXOS" русумли трактор харид қилган бўлса, ўтган йили 36 миллион сўмга ТТЗ-80 русумли турт гилдиракли трактор олди.

Фермер хўжалиги илгари ўзининг чолиқ тракторига эга эди. Янги техника турларидан ер ҳайдаш, бороналаш, юкларни ташинишда фойдаланмоқда. 89 гектар ерда пахта ва галла етиштириётган фермер хўжалигида экинлар парвариши техника воситалари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Қурбон БЕКОВ.

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

шаҳар ва туман ташкилотлари бу тижорат банклари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш идоралари иштирокида иқтисодий форум ўтказмоқда. Унинг дастлабки босқичида партия электротартибнинг 16 фаол вакили ўз хусусий ишини бошлаш учун тижорат банкларида умумий ҳисобда 174 миллион сўмдан ортик микрокредит учун сертификат олиди. Қишлоқ хўжалиги махсулотларини бирламчи қайта ишлаш учун кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш, машиини хизматлар кўрсатишини кўзда тутувчи лойиҳалар микрокредитлаш учун истиқболли деб топилди. Шу йўл билан олинган микрокредит Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида партия электротартибнинг 120 дан ортик вакилини оилавий ва хусусий бизнесга жалб этиш имконини берди.

Бўстонлик туманидаги "Мавжуда Плюс – Ривож" масъулияти чекланган жамият раҳбари Миршохид Мир-мачилик махсулотлари ишлаб чиқариш учун олган 24 миллион сўм кредитини самарали ўзлаштирди. Бу тажрибани Олмалиқ шаҳри, Бекобод, Паркент ва Янгийўл туман партия ташкилотлари ҳам омалаштирди. Сақизи тадбиркор 168 миллион сўм микрокредит олиш ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳақида. – Партиянинг касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишдаги иштироки хусусида нима дея оласиз? – Ўқув йили тугагини кутмай, партияимизнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари битирув курслари ўқувчилари билан тузилган уч томонлама шартномалар қандай баҳарлигини ўрганиб, аниқлаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритмоқда. Дастлабки натижаларга қараганда, коллежларнинг ўтган йилги 30 мингдан ортик битирувчиларидан 26 минг 758 нафари ишга жойлаштирилди, 3479

рува ишламаётганини аниқлади. Яна бир битирувчи Мафтуна Абдужалиловани шаҳар поликлиникаларидан бирида ўрин бўшаса, ишга олишмоқчи бўлишган.

Ишчи гуруҳи аъзолари туман бандликка кўмаклашувчи марказга шу масала юзасидан мурожаат қилишганда, ушбу икки битирувчининг бири "Ҳасан-Хусан баракса савдо" фирмасида, иккинчиси "Тиббий кўрик Клара" хусусий клиникасида ишлаётгани тўғрисидаги маълумотлар ҳужжатларга тиркаб қўйилгани аниқланди.

– Мамлакатимизни босқичма-босқич демократик модернизациялаш жараёнида вилоят партия кенгаши дастурий мақсадларини рўйга чиқариши учун янги шароит ва имкониятлар очилмоқда, – деди пировардида Сирожиддин Аъзамов. – Жамиятимиз устувор иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда сезиларли натижаларга эришиш – партияимизнинг халқ орасидаги обрў ва таъсирини кучайтириш, электротартибнинг ижтимоий-сиёсий оширади.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Ҳалқ депутатлари Ангрэн шаҳар кенгашининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Наргиза Назарова ташаббуси билан халқ таълими, касб-хунар коллежларида таълим сифати ва давомат масалалари ўрганилиб, тегишли ташкилотларга тавсиялар берилди. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Бақир Расулов "Чикинди тўғрисида"ги Қонун ижросини "Ангрэн" ва "Янги Ангрэн" иссиқлик станциялари мисолида ўрганиб, масалани шаҳар кенгаши сессиясига киритди. Сессия аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилди.

– Мамлакатимизни босқичма-босқич демократик модернизациялаш жараёнида вилоят партия кенгаши дастурий мақсадларини рўйга чиқариши учун янги шароит ва имкониятлар очилмоқда, – деди пировардида Сирожиддин Аъзамов. – Жамиятимиз устувор иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда сезиларли натижаларга эришиш – партияимизнинг халқ орасидаги обрў ва таъсирини кучайтириш, электротартибнинг ижтимоий-сиёсий оширади.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

ҲАЁТ МАКТАБИ САБОҚЛАРИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг 20 йиллигини Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вакиллари кўтаринки кайфият билан нишонладилар. Негаки, улар зиммасига Қуролли Кучларимиз учун малакали техник мутахассислар тайёрлаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида аскарликка тайёрлашдек муҳим ва масъулиятли вазифа юклаган.

Янгийўл автомобиль мактабининг катта устаси Абдуғафур Акимбоев баркамол авлодини чинакам ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги фидойий меҳнатлари учун Қуролли Кучларнинг 20 йиллиги арафасида Юртбошимиз фармонига мувофиқ "Шухрат" медали билан мукофотланди. – Бундай эътибордан бошим кўнжа етди, – дейди А. Акимбоев. – Бугун Қуролли Кучларимиз сафарида йигитлик бурчинини ўтатиш асосий мақсадида айланган ёшларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юртимиз мудофаа қудратини оқсатириш, бугунги кун талабига тўла жавоб бера оладиган миллий армияимизни шакллантиришга катта эътибор қаратаётганлари зиммасидаги масъулият юкни янада оширди. Ўз навбатида, мазкур ислохотлар ташкилотимизнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш, техник мактаблар фаолиятини кучайтириш, моддий-техник базасини яхшилаш имконини бераётди.

Кейинги бир-икки йил ичида билим юртининг маш-

ТОШКЕНТДА ҲУСЛИМ ВА КАРЬЕРА КЎРГАЗМАСИ

Жорий йилнинг 21-23 февраль кунлари Ёшлар ижод саройида "Таълим ва карьера" еттинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Республика савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ҳамда "SSP-Exposonact" ОАЖ ҳамкорлигида ташкил этилаётган кўргазмада мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг етакчи олий ўқув юртилари талаба-ёшлари иштирок этади.

Еттинчи марта ўтказилаётган кўргазмада мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртилари, хусусан Тошкент Аҳборот технологиялари университети, Тошкент автомобиль йўллари, Тошкент темир йўл муҳандислари, Тошкент молия институтини каби қўллаб таълим муассасалари ўз ўқув дастурларини тақдим этишади.

Кўргазма доирасида турли интерфаол уйинлар, кўрик-танлов, семинар-тренинглар ўтказилади. Шунингдек, юртимиз ва дунёнинг ривожланган давлатларидаги нуфузли олий ўқув юртиларининг тақдирлари, маҳорат дарслари ва бўш иш ўринлари тақлиф этиш бўйича танловлар ташкил этилади.

"Туркистон-пресс".

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилган ишчи-хўжалиқчилар жараёнида сифатли пахта хом ашёсини тайёрлаш ва ғўза уручилигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир ҳудуд эри ва иқлим шароитига мос энг афзал пахта навларини танлаш ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг асосий омилларидандир. Бу борада соҳа мутахассислари олдида қўйилган вазифалар, яратилган имкониятлар натижасида кенг қўлам ишлар амалга оширилмоқда.

## ҒўЗА УРУҒЧИЛИГИ: ИЗЛАНИШ ВА САМАРА



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 декабрда қабул қилинган "Ғўза уручилигини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этаётди. Республикада ғўза уручилиги, яъни ва истиқболли навларни яратиш, юқори репродукцияли элита навларни сақлаб қолиш, шунингдек, ғўзанинг сифатли уруғлик чигитини тайёрлашга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Натижада ташкил этилган иختисослашган элита уруғчилик ҳўжалиқларининг сони саксондан ошди. Шундан олтиш тўққизтаси районларнинг навлар, ўн иккитаси эса пахтанинг янги ва истиқболли нав уруғларини кўпайтиришга иختисослашган. Шунингдек, ҳозир уч мингдан ортиқ фермер ҳўжалигида 2, 3 репродукцияли уруғлик пахталари етиштирилмоқда.

Мамлакатимиз ҳар бир минтақасининг туپроқ-иқлим шароити турлича экани юртимизда ғўзанинг ўрта ва ингичка толали, муҳитга тез мослашувчи навларини етиштириш имконини беради. Бундай қулайликдан унумли фойдаланаётган селекциянер олимларимиз ўнлаб ингичка ва ўрта толали, серхосил ва истиқболли ғўза навларини яратишга муваффақ бўлди. Уларнинг деярли барчаси ҳосилдорлиги, тегишлилиги, касалликлар ва зараркунанда хашаротларга чидамлилиги, толасининг сифати ва ҳажми бозоридидаги харидорларнинг билан ҳам ажралиб туради. Айни кунларда юртимизда баҳорги экин мавсумига пухта ҳозирлик қилинмоқда. 2012 йил ҳосили учун уруғлик пахталарни давлат андозаларига асосан тозалаш, саралаш, туксилантириш, зараркунанда ҳамда касалликларга қарши дориллаш, сертифицилаш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтқа-

### ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРИ

## МАҚСАД – НАСЛЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШИШ

дейди Оққўрғон туманидаги "Карим Темирбоев" чорвачилик фермер ҳўжалиги раҳбари Ботир Омонов

"Қўйлик" деҳқон бозори кейинги икки-уч йил ичида беқийёс кенгайди. Бугун унинг ҳамма расталарини кўздан кечириш мумкин, яъни кун айланганингизга тўғри келади. Ҳозир катта ҳарфлар билан "Элга хизмат" деб ёзиб қўйилган расталар эртдан кечгача харидорлар билан гавжум. Бу бежиз эмас. Аввало, бу пештахталардаги маҳсулотлар сархиллик жиҳатидан хонадонлардан келтирилётганидан қўйилмайдиган. Нархи эса, анча арзон. Масалан, 11-12 минг сўмдан сифатли гўшт харид қилишнинг мумкин.

Биз "Карим Темирбоев" фермер ҳўжалиги вакили сотаётган гўштнинг сархиллигини кўриб, чорвачиликка иختисослашган жа-

моа фаолияти билан қизиқдик. Фермаида 160 бош қорамолимиз бор, – дейди тажрибали молбоқар Шавкат Соатов. – Шундан 58 боши соғин сигир. Кунига 500 литрга яқин сут соғиб олиб, шаҳардаги буюртмачиларга шартнома асосида етказиб бераёламиз. Бундан ташқари 60 бош қўй ва 5 та от боқаямиз.

Орзу-ниятларимиз аста-секин рўёбга чиқапти, – дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Ботир Омонов. – Энг муҳими, экин майдонларимиз 96 гектарга етди. Асосан бек ва мақажўхори эканмиз. Ҳўжалигимизнинг 14 аъзоси шу ишлар билан банд. Шу пайтгача даромадимизнинг асосий қисмини техника

сотиб олишга сарфлаб келаямиз. Энди узимизнинг МТЗ-80 ва БТ-150 русумли тракторлар, "Морал-125" комбайнимизга эгамиз. Пировардида фермер бир яхши гап айтди. Бу йил зарурий сарф-харажатлардан ортган даромадларига замонавий сут соғиш аппаратлари сотиб олишмоқчи экан. Энг муҳими эса, у ҳўжалигини наслчиликка ҳам иختисослаштириш ниятида. Демак, келажакда маҳаллий аҳоли хонадонларида ҳам наслдор мол-қўйлар кўпайишига бу ҳўжаликнинг нафи тегиши шубҳасиз.

СУРАТДА: фермер Ботир Омонов. Собир ЗУФАРОВ олган сураат.

### ҲУҚУҚ

Мамлакатимизда меҳнатта яроқли ҳар бир фуқаронинг бирор иншининг бошини тутиб, эмин-эркин меҳнат қилиши, рўзгорини бутлаш, тинч-осуда ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, кейинги йилларда чет эл сармоялари қўшилган қатор катта-кичик қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши, ўнлаб, юзлаб кичик корхоналар фойдаланишга топширилган, Президент фармони ҳамда ҳукумат қарорлари асосида тадбиркорликка,

